

УДК 631.52.633.11.

**ЛАЛМИ ЕРЛАРНИНГ ТОҒ ВА ТОҒ ОЛДИ, ҚИР-АДИРЛИК,  
ТЕКИСЛИК МИНТАҚАЛАРИДА ЭКИШ УЧУН ЮМШОҚ  
БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ**

**Очилов Зафар Абдуллаевич**

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти  
Бахмал илмий-тажриба станцияси

**Жўраев Маматкул Абдурахмонович**

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти  
Бахмал илмий-тажриба станцияси

**Мавланов Лазиз Бахтиёрович**

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти  
Бахмал илмий-тажриба станцияси

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти «Лалми юмшоқ буғдой селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси»да кейинги йилларда яратилган янги навларини Бахмал илмий-тажриба станциясида экологик нав синаш кўчатзорида 2020-2022 йилларда нав синаш питомнигида олиб берилган тадқиқот натижалари берилган.

**АННОТАЦИЯ**

В статье приведены результаты исследований, проведенных в 2020-2022 гг. в питомнике новых сортов, созданных в лаборатории «Селекция и семеноводство по мягкой пшеницы» экологическом сортоиспытательном питомнике Богарного земледелия Бахмальской научно-опытной станции. в 2020-2022 гг.

## ABSTRACT

In the article obtain the results of studies confirmed in the nursery of new varieties created in the laboratory “Breeding and seed production for bread wheat” in the ecological variety-testing nursery of Bakhmal scientific experimental station of Institute of Rainfed Agriculture in 2020-2022 years.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармонининг 3.3-бандида Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш аграр секторининг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларининг юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, дон сифати юқори, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги серҳосил навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб борилган.

Лалмикор минтақаларда экиладиган юмшоқ буғдойнинг “Бахмал-97”, “Тезпишар”, “Оқбуғдой”, “Сурхак-5688”, “Кўкбулоқ”, “Санзар-б” навлари тупроқ-иқлим шароитларига мослашган бўлишига қарамасдан совуққа, қурғоқчиликка, касалликларга чидамлилиги ва нонбоплиги талаб даражада эмас. Шунинг учун Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида қимматбаҳо хўжалик белги хусусиятларига эга, республикамизнинг лалми ерларида экиш учун юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш мақсадида селекция ишлари олиб борилди ва «Истиклол-б», «Сўғдиёна», «Қизил дон», «Нўшкент» каби навлари яратилди ва ушбу навлар Бахмал илмий-тажриба станцияси экологик нав синаш кўчатзорида тажрибалар ўрганилди.

## МАТЕРИАЛ ВА УСЛУБЛАР

Барча агротехник тадбирлар ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий тажриба станцияси томонидан 1994 йилда ишлаб чиқилган тавсия ва услублар асосида, фенологик кузатувлар, дала ва лаборатория шароитида турли кўрсаткичлар бўйича баҳолашлар, таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси (1997) ва Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР, 1985) да ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

Буғдой нав намуна ва тизмаларининг занг касалликлари билан касалланиш даражаси Халқаро СЭВ классификаторининг (1984) *Triticum* авлоди бўйича

ишлаб чиқилган услубда, бошқа турли замбуруғли касалликларга чидамлилигини баҳолаш ИКАРДА Халқаро Илмий Марказида (1996 йил) ишлаб чиқилган шкала бўйича фоизда (%) баҳоланди.

Тадқиқотлар олиб бориш давомида юмшоқ буғдойнинг лабораторияда мавжуд бошланғич материалларидан ҳамда ИКАРДА, СИММИТ халқаро илмий Марказларидан ва Ўсимликшунослик илмий текшириш институтидан келтирилган жаҳон коллекция намуналаридан фойдаланилди.

### **НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

2020-2022 йиллар мобайнида лабораторияда истиқболли бошланғич материаллар яратилди. Бугунги кунда Бахмал илмий-тажриба станцияси «Селекцияси ва уруғчилиги лабораториясининг дурагайлар, селекция, назорат, дастлабки, конкурс ва экологик нав синаш питомникларида ҳар томонлама ўрганилиб селекция ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, «Истиқлол-6» нави тур ичида чатиштириш усулида Сурхак-5688 х Уз001249 (Туркия) комбинациясидан якка танлаш услубида яратилган. Нав ярим интенсив типга эга, тур хили эритроспермум, ҳаёт тарзи биологик кузги, мақбул экиш муддатлари октябрь ойининг иккинчи ярми ва ноябр ойи ҳисобланади. Қишда (январь), эрта баҳор (февраль) ойларида ҳам экиш мумкин. Совуққа чидамлилиги юқори, «Бахмал-97» нави нисбатан 5-6 кун кеч пишади.

Нав юқори ҳосилдорликка эга бўлиши билан бир қаторда дон сифати юқори, касалликларга ва қурғоқчиликка чидамли ҳисобланади. 2020-2022 йилларда ўртача ҳосилдорлик «Истиқлол-6»да 25,6 ц/га ни, бу кўрсаткич андоза нав «Бахмал-97» навида 20,6 ц/га ни ташкил этди. «Истиқлол-6» нави Республиканинг лалмикор минтақаларида экиш учун Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Маркази томонидан 2016 йилда районлаштирилган.

«Сўғдиёна» нави тур ичида чатиштириш усулидан фойдаланиб Оқбуғдой х Уз000809 (Мех/Тур) комбинациясидан якка танлаш услубида яратилган. Нав ярим интенсив типга эга бўлиб, тур хили грекум, ҳаёт тарзи биологик кузги ва мақбул экиш муддатлари куз ойлари ҳисобланади. Нав совуққа, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамли. Ун чиқиши ва нонбоплик хусусиятлари яхши, «Бахмал-97» нави нисбатан 3-4 кун кеч пишади. Навнинг дон ҳосилдорлиги юқори бўлиб, станцияда 2020-2022 йилларда конкурс нав синовида ўртача дон ҳосилдорлиги 26,2 ц/га ни, андоза

«Бахмал-97» навида 20,6 ц/га ни ташкил этган.

«Сўғдиёна» нави Ўзбекистоннинг лалми ерларида экиш учун Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Маркази томонидан 2018 йилда истиқболли деб топилди.

«Қизил дон» нави (Тезпишар х Санзар-6) х Красноводопадская-97 дурагай комбинациясидан мураккаб чатиштириш натижасида якка танлаш услубида яратилган. Нав тур хили эритроспермум. Нав ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли ва пишиш даври андоза «Бахмал-97» нави билан тенг. Дон ҳосилдорлиги гектарига 3-4 центнер юқори, дон сифати яхши, қурғоқчиликка, ётиб қолишга чидамли. 2020-2022 йилларда конкурс нави синовида ўртача дон ҳосилдорлиги 24,4 ц/га ни, андоза «Бахмал-97» навида 20,6 ц/га ни ташкил этган.

«Қизил дон» нави Ўзбекистон республикасининг лалми ерларида экиш учун Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Маркази томонидан 2019 йилдан истиқболли деб топилди.

«Нўшкент» нави Сурхак-5688 х Эритроспермум-2003 комбинациясидан якка танлаш услубида яратилган. Тур хили эритроспермум, биологик дуварак. Нав ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларга бардошли, иссиқликка, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамли, дон сифати юқори, нонбоплиги яхши. Нав серҳосил ва эртапишар, лалми ерларнинг текислик ва қир-адирлик минтақаларида ўртача дон ҳосилдорлиги 16,8 ц/га ни ташкил этса тоғли ва тоғ олди минтақаларда эса 25,4 ц/га ни ташкил этади, пишиш даври «Бахмал-97» навидан 3-4 кун олдин. Ўсимлик бўйи 115-120 см гача бўлиб, ётиб қолишга чидамли.

«Нўшкент» нави 2017 йилда Давлат нави синовида топширилган ва 2020 йилда ушбу навага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлигининг селекция ютуғига патенти олинган.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда, Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида давлат реестрига киритилган ва истиқболли деб топилган «Истиқлол-6», «Сўғдиёна», «Қизил дон» навларининг бошланғич уруғчилиги Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Бахмал илмий-тажриба станциясида тўлиқ тизимда олиб борилмоқда. Шунингдек, республикадаги лалмикор минтақалар учун юмшоқ буғдойнинг қимматли хўжалик белги ва хусусиятларига эга янги навларини яратиш устида илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

**Жадвал.**

**Юмшоқ буғдой навларининг рақобатли нав синаш питомнигида қимматли белги ва хусусиятлари кўрсаткичлари, Бахмал 2020-2022 й.**

№	Нав номи	Ҳосилдорлик, ц/га	Клейковина миқдори, %	1000 дона дон вазни	Дон ҳажми, г/л	Ўсимлик бўйи, см	Асосий бошқоқати дон сони, дона	Асосий бошқоқати дон вазни, г
1	Бахмал-97	20,6	27,5	43,9	780	89	40,0	1,3
2	Тезпишар	26,0	28,0	44,5	760	83	48,0	1,4
3	Оқбуғдой	27,3	26,0	47,9	750	92	31,5	0,8
4	Санзар-б	19,3	28,5	43,7	790	74	29,0	1,2
5	Истиқлол-б	25,6	29,0	44,9	800	81	50,0	1,8
6	Сўғдиёна	26,2	28,8	44,4	791	71	46,0	1,1
7	Қизилдон	24,4	28,1	45,5	790	80	41,5	1,2
8	Нўшкент	25,4	28,0	45,7	780	90	44,0	1,2
9	Эритроспермум-40	24,8	30,0	42,1	750	88	38,5	1,3
10	Эритроспермум-81	28,1	29,0	46,8	760	86	46,5	1,8

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестри. Тошкент. 2017-2019 йиллар.
2. Абдукаримов Д.Т. Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги. Сам. 2012.
3. Аманов А.А. ва бошқалар. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича услубий қўлланма. Ғаллаорол 2004 йил.
4. Аманов М.А. Устойчивость пшеницы к неблагоприятным факторам среды в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. –91 с.
5. M.A.Juraev, S.Gaybullaev. The results of studying new bread wheat varieties and lines for rainfed conditions in Uzbekistan. Пенза: МЦНС “Наука и Просвещение”. - 2019.-С. 72-74.
6. Озилов З. и др. ЛАЛМИКОРЛИКНИНГ ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАСИ ШАРОИТИДА ХАНТАЛНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ //Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 571-575.
7. Очиллов З. А., Покровская М. Н. Засухо-и жароустойчивость сортообразцов мягкой пшеницы на богаре //Аграрная наука. – 2021. – №. 11-12. – С. 60-62.

8. Аманов Ф. Б., Мавланов Л. Б. НЕКОТОРЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ СЕЛЕКЦИИ ЛЬНА МАСЛИЧНОГО ДЛЯ БОГАРЫ УЗБЕКИСТАНА //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2022. – С. 56.
9. Dilmurodovich D. S. et al. CREATION OF NEW DROUGHT-RESISTANT, HIGH-YIELDING AND HIGH-QUALITY VARIETIES OF BREAD WHEAT FOR RAINFED AREAS //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2022. – Т. 2. – С. 61-73.
10. Покровская М. Н., Мавланов Ж. С. МОРФОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОЦЕНКИ ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР В БОГАРНЫХ УСЛОВИЯХ //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2022. – С. 51-55.